


Ilm kelajagimiz  
ravnaqidir

№-3 2022



# СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ SURKHANDARYA: SCIENCE AND CONTEMPLATION



**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ТРАНСФЕРИ МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ЦЕНТРА РЕГИОНАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ТРАНСФЕРА  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ И ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ НАУКИ И  
ТЕХНОЛОГИЙ СУРХАНДАРЬИ**

**SURKHANDARYA REGIONAL TERRITORIAL INNOVATION ACTIVITY AND TECHNOLOGY  
TRANSFER AND SURKHANDARYO SCIENTIFIC JOURNAL OF SCIENCE AND  
TECHNOLOGY DEVELOPMENT CENTER**

*Илм келажасигимиз равнақидир*

**СУРХОНДАРЁ: ИЛМ ВА ТАФАККУР**

**SURXONDARYO: ILM VA TAFAKKUR**

**СУРХАНДАРЬЯ: НАУКА И МЫШЛЕНИЕ**

**SURKHANDARYA: SCIENCE AND  
CONTEMPLATION**

*Илмий мақолалар журнали*

**№-3 2022**



**ТАЪСИСЧИЛАР;**  
**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТРАНСФЕРИ**  
**МАРКАЗИ ҲАМДА СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**  
**ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**Хар чоракда 1 марта чиқади.**

**Jurnal 25-05-2020 yil. №-11-079  
raqami bilan ro'yxatga olingan.**

O'zbekiston Respublikasi OAK ning 2021 yil 12 dekabrdagi № 01-06/25-04 raqamli xati asosida ro'yxatga olingan.

Ommaviy axborot vositasi davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA N-11-079.**

My.gov.uz. Yagona interaktiv. davlat xizmatlari portali.  
N 8102-325e-cd96-f50a-53b3-3119-7970

**Нијжат юратилган сана: 2020-05-25.**

**Ariza raqami: 19051279.**

**НАШР ИНДЕКСИ 190-111.**

**ЖУРНАЛ «ADAD PLYUS» МЧЖ**  
матбаба бўлимида чоп этилди.  
Тошкент шахри, Чилонзор тумани,  
Бунёдкор кўчаси 28-уй.  
Босишига руҳсат этилди: 28.06.2022.  
Коғоз бичими 60x84 1/8.  
Босма табоби 10,0. Офсет босма.  
Офсет қоғози. Адади 100.  
Баҳоси келишилган нархда.  
Буюртма № 18.

**Техник ходимлар:**  
**Мамаражабов Файрат**  
**Умаров Икром**  
**Саҳифаловчи:**  
**Қўшокова Моҳигул**

Таҳририят манзили: Сурхондарё вилояти  
Термиз шахри “Баркамол авлод” кўчаси 43 уй.  
tur sunovsa fulllo12@mail.ru

Тел: 876 223 07 66.  
+99 891 577 90 50,  
+99 894 200 49 55,  
+99 891 229 22 29.

**Бош муҳаррир:**

**Главный редактор:**

**Chief Editor:**

**Турсунов Сайпулла Нарзуллаевич**

**Тарих фанлари доктори, профессор**

**Термиз давлат университети**

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Заместитель главного редактора:**

**Deputy Chief Editor:**

**Қобулов Эшболта Атамуродович**

**Тарих фанлари доктори, профессор Термиз давлат**

**Педагогика институти ректори**

**Журналниг илмий котиби:**

**Умуркулов Бекпўлат филология фанлари  
доктори, Термиз давлат университети**

**ТАҲРИР ҲАЙҶАТИ:**

Марахимов Авазжон

Тўраев Назар

Садгуллаев Анатолий

Абдуллаев Улуғбек

Ашурев Адҳам

Дониёров Алишер

Мўминова Гавҳар

Эшов Баҳодир

Эргашева Юлдуз

Обломуродов Наим

Воҳидов Шодмон

Бўриев Очил

Давлатова Саодат

Фоффоров Шокир

Холикова Раҳбраҳон

Худойқулов Абдулла

Пардаев Тошкенбой

Рахимов Фанишер

Шомирзаев Махматмурод

Холмўминов Жуманазар

Холмўминов Ҳусан

Турсунов Нурулло

Турсунов Жавли

Холмўминов Ҳусан

Тўхтаев Абдуғани

Хайтов Шодмон

Ирискулов Олимжон

Сайдов Илҳом

Акчаев Фарруҳ

Сайдов Бахтиёр

Файзулаева Мавлуда

Якубова Диларам

**ЖАМОАТЧИЛИК**

**КЕНГАШИ:**

Султонов Тоҳир

Чориев Рўзимурод

Қосимов Асрориддин

Лакаев Саидахмад

Нормуродов Чори

Қодирова Дилбар

Раҳимов Баҳодир

Худойқулов Садриддин

Шайдуллаев Шопўлат

Юнусова Хуршида

Тўраев Хайит

Ўсаров Сирожиддин

Кулмаматов Дўстмамат

Бобожонова Дилором

Ахмедова Гулчехра

Эшонқулов Абдужаббор

Алланов Қилич

Тилеуколов Гаухар

Аликулов Рустам

Ёдгоров Эшмўмин

Мирзаев Ибодулло

Панжиев Нормамат

Жабборова Шоира

Чориев Иргаш

Хотамов Очилди

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Шамсутдиннов Р. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, кулоклаштириш, сургун. – Т.: Шарқ.
2. Сурхондарё вилояти давлат архиви, 18-жамғарма 1-рўйхат, 521-иш, 26-варак.
3. Турсунов С. Тўхтаев А. Жаркўргон. Т. Фан. 2008 й.
4. Ўзбекистон ССР тарихи. Т.:Фан.1971 й – Б 536.
5. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 521-иш, 28-варак.
6. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-жамжарма, 1-рўйхат, 521-иш, 5-варак.
7. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 521-иш, 7-варак.
8. Сурхондарё вилоят давлат архиви, 18-жамғарма, 1-рўйхат, 521-иш, 43-варак.
9. Ҳайитов Ш. Ўзбек мухожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар) Т. “Абу матбуют-консалт”.

## МАМЛАКАТИМИЗ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ ТАРИХИДА ҲУҚУҚНИ МУХОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИ

**Насиров Отабек Назиржанович**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, т.ф.н.

**Бегалиев Жавлонбек Райимназарович,**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти  
“Тарих” кафедраси таянч докторант  
E-mail: [javlonbek.begaliyev@mail.ru](mailto:javlonbek.begaliyev@mail.ru)

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимиз муаллифларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши тарихида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти мухим аҳамиятга эга эканлиги архив хужжатлари асосида таҳлил қилинган. Муаллифлар, нашриётлар ва томоша кўрсатувчи муассасалар ўртасидаги низоли холатлар суд органлари томонидан кўриб чиқилгани ва муаллифнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинганлиги аниқ мисоллар орқали тадқиқ қилинган ва илмий хуносага келинган. Муаллифлар ҳуқуқининг ҳимоя қилиш Бошқармасининг Ўзбекистон бўлими томонидан низоли холатлар, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан назоратга олинганлиги ва хал этилганлиги такидлаб ўтилган.

**Калит сўзлар:** муаллиф, марказ, томоша кўрсатувчи муассаса, низоли ҳолат, суд органлар, прокуратура органлари, ариза, вакил, нашриёт.

**Аннотация:** В данной статье на основе архивных документов анализируется значение деятельности правоохранительных органов в истории защиты авторских прав в нашей стране. Споры между авторами, издателями и зрителями расследуются в судебном порядке, а авторские права защищаются на конкретных примерах и научных выводах. Было отмечено, что узбекское отделение Управления по охране авторских прав контролирует и разрешает споры.

**Ключевые слова:** автор, центр, смотровое учреждение, спорная ситуация, судебные органы, прокуратура, заявление, представитель, издатель.

**Abstract:** This article analyzes the importance of the activities of law enforcement agencies in the history of copyright protection in our country on the basis of archival documents. Disputes between authors, publishers, and viewers have been investigated by the judiciary and the author's rights have been protected through concrete examples and scientific conclusions. It was noted that the Uzbek branch of the Office of Copyright Protection has controlled and resolved disputes.

**Keywords:** author, center, viewing institution, dispute situation, judicial authorities, prosecutor's office, application, representative, publisher.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ҳуқуқий демократик давлат яратиш асосий мақсадларимиздан бири этиб танланди. Тарихий тажрибадан келиб чиқиб, барча соҳаларда амалга оширилгани сингари, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди ва илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Мақолада келтириб ўтилган даврда БМҲҲБ га қарашли бўлиб ва бўйсиниб фаолият олиб борган. Ўзбекистон бўлимнидаги муаллифлик ҳуқуқларининг бузулиши билан боғлиқ муаммоли ҳолатларда, бўлимнидаги ўзида хам низоли холатлар мухокама қилиниб хал этишга харакат қилинган. Аммо мамлакатимиз

муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши тарихида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти муҳим ўрин тутганлигини алоҳида такидлаш зарур.

Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси тарихи Республикаизда мустақиллигимиздан сўнг бир қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўз йўналишлари бўйича қисман ўрганилган. Хусусан, Мазкур тадқиқот ишлари асосан ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган. Ҳуқуқшунос олимлардан Бобоқул Тошев, X.Р.Рахмонкулов, И.И.Насриев, Р.Т.Ҳакимов, Г.А.Худайбердиева, И.Б.Зокиров ва бошқа бир қатор олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя килиш вакиллиги раисининг адлия маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб борган Ҳуқуқшунос Бобоқул Тошевнинг “Муаллифлик ҳуқуқи” китобида муаллифлик ҳуқуқи тарихи билан боғлиқ айrim маълумотларни келтириб ўтган.

Ҳуқуқшунос Г.А.Худайбердиева “Турдош ҳуқуқларни фуқоролик-ҳуқуқий муҳофазаси” мавзусида илмий тадқиқот олиб борган ва ҳуқуқий ҳимояга доир ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирган. Юуридик фанлари доктори, И.И.Насриев ўзининг илмий тадқиқот ишларида асар муаллифларининг ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояси борасида, маҳаллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий асосларни таҳлил қилган. Юқорида келтирилган тадқиқотчиларнинг асарларида ва илмий тадқиқотларида, асосан мустақиллик даври ёритилиши билан бир қаторда, ҳуқуқий жиҳат ўрганилган. Муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ асарлар Совет даврида айrim ҳуқуқшунослари томонидан турли йўналишлар ва соҳаларда ўрганилган. Мазкур мавзуни тадқиқ қилган хорижий тадқиқотчилар ҳам мавжуд бўлиб, буларга россиялик олимлар А.И.Ваксберг ва Э.П.Гаврилов каби ҳуқуқшунослар СССР худудидаги барча нашриётлар ва муаллифлар ўртасидаги муносабатларни, жумладан: улар ўртасидаги тузиладиган шартномалар, томонларнинг мажбуриятлари ва вазифалари, шунингдек, низоли ҳолатлари ҳам ҳуқуқий жиҳатлар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Ҳуқуқий асосларни ёритилиши эса С.С.Кишкин, М.А.Гельфер,

В. Л. Чертков В.И.Корецкий ва бошқа бир қатор олимлар томонидан маълумотлар келтириб ўтилган.

Илм-фан соҳаси муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ жиҳатларни Ефимов, Евгений Николаевич, Е, А. Кожина ва В.Я.Ионас каби олимлар тадқиқ этишган.

Кўплаб ташкилотлар қатори муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш вакиллиги ҳам марказдан бошқарилган. Совет даври ҳуқуқшунослари томонидан яратилган асарларда ёритилен жиҳатлар, СССР таркибидаги худудларнинг ҳолатини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда, жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таминлаш сифатини ошириш ҳар қачонгидан кўра кўпроқ аҳамият қасб этмоқда. Жамиятда илм-фан, санъат, маданият ва технологияларнинг ривожланиши учун яратилган шароит ва яратилган асарлар ҳамда ихтиrolар муаллифларни ҳимоя қилиш учун қонунларни мавжудлиги ривожланган демократик давлатларнинг кўрсаткичларидан бири бўлиб келмоқда. Жамиятда муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг муносабиҳ ҳақ олишларини ҳуқуқий жиҳатдан таминлаш, барча соҳаларда юксак савиядаги асарлар ва ихтиrolарни яратилишини рағбатлантириш ва соҳада давлат назоратини оширилиши муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380 – сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори [1] ва соҳа доирасида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳаси, жумладан: муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиниши долзарб эканлиги билан бир қаторда, соҳада ечимини кутаётган муаммоларни ечимида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Мулкчилик турларининг кўпайиши ракобатни кучайтиради, бу эса ўз навбатида тараққиётга замин яратади [2.4]. Барча турдаги мулклар давлат томонидан ҳимоя қилингани каби, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳаси ҳимояси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Республикаизда муаллифларга барча соҳаларида ижодкорлик, асарлар яратиш ва улардан фойдаланишга кенг имкониятлар яратиласкан. Аммо муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиниши тарихи бугунги кунга қадар, бир қанча босқичларни босиб ўтганлигини архив ҳужжатлари кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз ўрганилаётган даврда СССР тарқибida бўлганлиги учун, муаллифлик ҳуқуқининг шаклланиши тарихи ҳам бевосита Марказда фаолият юритган Бутиниттифок

Муаллифлар хуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси (БМҲҲБ) фаолияти билан бөглиқдир. Муаллифлар хуқуқларини ҳимоя қилиниши тарихида, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти муҳим ўрин тутади. Давлат ва жамият ҳаётида қонун устуворлигини таминлаш, фуқароларнинг белгиланган хуқуқий меъёрларга амал қилаётганини устидан тўла назорат олиб бориш, адлия органларининг жамоатчилик билан ишлашнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга [3.5].

Жамиятда турли соҳаларда илмий изланишлар олиб бориш ва эркин ижод қилишга кенг шароит яратилсада, шунингдек яратилган асарлар ва уларнинг муаллифлари давлат томонидан хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинса ҳам, муаллифлик хуқуқларининг бузулиши билан боғлиқ низоларни бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

ХХ асрнинг 30 йилларнинг ўрталарида фаолияти йўлга қўйилган, БМҲҲБнинг Ўзбекистон нийзимида дастлабки даврлардан бошлаб, муаллифларга шароитлар яратиш, уларнинг хуқуқий ҳимоясига эътибор бера бошлаган.

Ҳар бир ривожланётган ва ривожланган давлатда барча соҳаларда муаллифлар бор экан, демак, муаллифлик хуқуқининг бузилиши билан боғлиқ низолар ҳам бўлади. Бутуниттифоқ таркибида барча республикаларда жумладан: Ўзбекистонда ҳам бу каби ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин эди. Муаллифлар ўртасидаги ўзаро келишувлар бузилганда, кўнгилочар корхоналар ва нашриётлар билан боғлиқ низоли ҳолатларда муаллифлар суд ва прокуратура органларига мурожаат қилишларидан олдин, БМҲҲБ тизимида юридик ишларни олиб борувчи шахслар низоли ҳолатларни куриб чиқиш ташкил этилади [4]. БМҲҲБнинг низоли ҳолатларни ҳал қилиш, томонларга ечим таклиф қилиши мумкинлиги, унинг вазифаларидан бири ҳисобланади. Бошқарма СССР Совет Ёзувчилар уюшмаси ташкилотлари тизимида фаолият юритади ва ўз вазифаларидан бири сифатида, муаллифлик тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олади, ҳамда муаллифлар ўртасидаги низоларни ҳал килади [5].

Аммо муаллифлар ўртасидаги барча низоли ҳолатларни кўриб чиқиш ва хуқуқий баҳо бериш, БМҲҲБ тизимидағи юридик ишларни олиб борувчи шахслар томонидан ташкил этилмаган. Фақат қўйида ҳолатлардагина кўриб чиқилиши мумкин бўлган:

- а) низо адабий – бадиий мусиқий асарлардаги муаллифлик хуқуқи билан боғлиқ бўлса,
- б) томонларнинг раҳбариятга мурожаат килишидан олдин низо суд органларида ёки ижодий касаба уюшмаларида кўриб чиқилмаган бўлса,
- с) низоли ҳолатда томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини аниклаштиришни талаб қилувчи баҳсли фикрлар мавжуд бўлса,

д) тарафларнинг (ёки тарафларнинг нотариал тасдикланган ишончномасига эга бўлган вакилларнинг) шахсан иштирокида амалга оширилади ва юридик ишларни олиб борувчи шахслар томонидан ташкил этилади.

Агар томонлардан камида биттаси таклиф қилинган ечимга рози бўлмаса, БМҲҲБ тизимида низони кўриб чиқиш тугатилади ва томонларга низони ҳал қилиш учун суд органларига мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилади [6]. Аммо суд ва прокуратура органларининг, шунингдек Ёзувчилар уюшмаси ва Бастакорлар уюшмасининг талабларига биноан ушбу низони кўриб чиқиш билан боғлиқ ҳар қандай материалларнинг нусхалари, юкорида номлари келтирилган ташкилотларга берилиши шарт қилиб белгиланган [7].

Муаллифлик хуқуқ муҳофазасини таминлаш мақсадида СССР прокуратураси томонидан 1935 йил 21 июнда “асарларни оммавий ижро этиш учун муаллифлик тўловларини мунтазам равишда кечикиришда айборд бўлган кўнгилочар корхона раҳбарлари, муаллифлик хуқуқларини бузганлик учун РСФСР жиноят кодексинин 177-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида”ги бўйруғи [8] қабул қилинган эди.

Юкорида келтирилган маълумотлардан шуни англаш мумкинки, БМҲҲБ муаллифлар хуқуқларини таминлашда бевосида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда фаолият юритган.

Суд ҳокимиятининг умумий қоидаларига кўра, давогар шахс томонидан бузилган хуқуқларини тиклаш мақсадида судга даво аризаси берилади. Аммо Иттифоқ таркибида ги худудларда ижод қилаётган муаллифлар ва томоша кўрсатадиган муассасалар ўртасида кўплаб суд жараёнлари бўлиб ўтган. Ушбу ишлар СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги санъат ишлари бўйича комитетга қарашли арбитражда кўриб чиқиладиган бўлди. Шуниси кувонарлики, кўриб чиқилган ишларнинг 95% бошқарма фойдасига ҳал бўлган. Арбитражда кўриб чиқилган ишларнинг катта фоизи муаллифларнинг фойдасига ҳал қилингани бу –

муаллифлар хуқуқининг муҳофазасига берилган эътиборни кўрсатади, аммо арбитражда кўриб чиқилган ишларнинг жуда кам қисми марказдан ташқари ҳудудларга тўғри келиши, чекка ҳудудлардаги фаолият юритаётган муаллифларнинг ахволи ачинарли эканлигини кўрсатади [9.91].

40 йилларнинг охириларига келиб, Ўзбекистон бўлимининг БМХХБга топширган хисоботлари танқидга учраган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Бу ҳолат 1948 йилнинг сентабр ойи хисоботида кўнгилочар корхоналарнинг муаллифлик ҳақларини ва мусика фондига ажратмаларни тўламаётганлиги ҳамда нашриётлар ўзбекистон бўлимига хужжатларни текшириш учун тақдим этмаганлиги оқибатида келиб чиқсан эди. БМХХБ директори Г.Б. Хесин Ўзбекистон бўлимига ушбу ҳолатда, ёрдам сураб Республика Прокурорига ва партия Марказий Кўмитасига мурожаат қилишини талаб қилган [10]. Бутуниттифоқда яратилган, соҳага доир барча қонунлар иттифоқ таркибида бўлган барча ҳудудларда амал қилинганлигини хисобга олсак, муаллифларни хуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган етарли даражада қонунлар мавжуд бўлган. Жумладан: Фуқаролик процессуал кодексининг 88-моддасига биноан, муаллифлар ва уларнинг меросхўрлари гувоҳлар ва эксперктларни судга чақириш харажатларини тўлашдан ҳам озод қилиниши такидланган. Муаллифлик хуқуқидан келиб чиқадиган низоларда ушбу барча харажатлар, асарлардан фойдаланадиган ва муаллифлар билан ушбу фойдаланувчи бўйича хуқуқий низо бўлган ташкилот томонидан қопланган. Агар низонинг тарафлари факат муаллифлар бўлса, бундай ҳолларда барча харажатлар давлат томонидан қопланган [11.35]. Аммо соҳага доир қонунлар, норматив-хуқуқий жужжатлар этарли даражада бўлсада, айrim ҳолатларда мавжуд қонунларни амалиётга тадбик қилиш жараёнида муаллифлар муаммоларга дуч келишган вазиятлар учраб турган эди.

Ўзбекистон ССР ҳудудидаги Вилоят ва шаҳар театрларидан қарзларни йигиб олиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. Айrim ҳолларда прокуратурага мурожаат қилинган, бирок бундан ижобий натижалар кам бўлган. Қашқадарё вилоятидаги айrim театрлари тизимли равишда молиявий ва касса интизомини бўзган, тушимларни давлат банкига топширган ва шунинг натижасида муаллифлик ҳақи тўланмай қолган ҳолатлар ҳам кузатилган [12]. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун Бутуниттифоқ Муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилиш бошкармасининг, Ўзбекистон бўлими ЎзССР Республика прокуратурасига мурожаат қилган. Қашқадарё вилояти ва туман прокуратурасига бу масала етиб борган бормаганилиги ноаниқ бўлиб қолган. Юқоридаги ҳолатлар айrim давлат ташкилотларининг муаллифлар хуқуқий ҳимояси борасидаги ишларга жиддий эътибор бўрмаганилигини кўрсатади.

Муаллифларга асарлар яратиш ва улардан фойдаланиш учун кенг имкониятлар берилиб, Совет давлати муаллифларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни белгилайди. Ушбу чора-тадбирлар орасида муаллифлик ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларни суд орқали ҳимоя қилиш мухим ўрин тутади [13.3]. Марказда қабул қилинган, Бутуниттифоқ Муаллифларини ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бу каби карорлар, марказдан узоқда жойлашган республикаларда етарли даражада эътиборга олинмаган. Бу бир томондан мамлакатимизни олис ҳудудда жойлашганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ССР нинг ўзи ҳам муаллифлик хуқуқинин ҳимоя қилишга ихтисослашган ташкилот ёки конвенциянинг шартномаларига ҳам нисбатан кечроқ аъзо бўлиб кирганлиги сабаб бўлган [14.4].

Ушбу давр архив хужжатларида Тошкент Педагогика институти профессори А. В. Миратов томонидан ёзилган “Педагогика олий ўқув юртларининг ўзбек гурухлари рус тили грамматикаси” номли дарслиги Ўзбекистон ССР педагогика институтлари ва ўқитувчилари учун мўлжалланган ҳамда Ўзбекистон ССР Маъориф вазирлиги томонидан тасдиқланган эди [15]. Аммо ушбу дарслик муаллифи профессори А. В. Миратов муаллифлик қалам ҳақи билан боғлиқ муаммога дуч келди. БМХХБ нинг Ўзбекистон Бўлимига муаллифлик қалам ҳақини ундириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлган. профессори А. В. Миратовнинг муаллифлик қалам ҳақи, у тақдим этган материаллар микдоридан келиб чиқсан ҳолда минимал талаби 36.0 минг рублни ташкил этган [16]. Юқорида келтирилган ҳолатларни инобатга олиб, БМХХБ нинг Ўзбекистон Бўлими, Ўзбекистон ССР Маъориф вазирлигига мурожаат билан чикиб, ушбу маблағни тўлаш нияти бор ёки йўқлигига аниқлик киритишини сўраган. Бундай ҳолатлар ижобий ечим топмаган тақдирда, албатта суд орқали ҳал этилган.

50 йилларга келиб, муаллифлар хуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатлар хизматидан ҳам фойдаланилганлиги ҳақида архив хужжатларда маълумот келтирилган. Муаллифлик хуқуқлари

бузилиши билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш жараёнида адвокатлар ҳам иштирок этган.

Агар оммавий ижро учун муаллифлик ҳақи бўйича суд ишлари ЎзбекДрамКомнинг ваколатли вакиллари томонидан амалга оширилса ва суд ишни юритиш учун судланувчидан 5% берилган бўлса, бу микдор турли даромадлар бўйича бўлимнинг даромадига йўналтирилади [17].

Архив хужжатларда келтирилишича, 1963 йил 22 ноябр куни Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоят судиниг фуқоролик судлов коллегиясининг очик суд мажлиси бўлиб ўтган. Халқ суди, давогар бутуниттифоқ авторлик хукуқини химоя қилиш бошқармасининг Ўзбекистон бўлими автор Ш.С.Алядинов манфаатини кўзда тутиб, жавобгар Ўзбекистон ССР давлат бадиий адабиёт нашриётидан 3.310 сум муаллифлик ҳақи ундириб бериш ҳақидаги давосини кўриб, давогарни давоси тўлиқ қаноатлантириш ҳакида қарор чиқарган. Давогар тараф ўз давосида 1960 йил 7-8 июн кунлари Ўзбекистон ССР давлат бадиий адабиёт нашриётига ўзининг Татар тилида ёзилган “Агар севсанг” номли романини факат рус тили босмадан чиқариш шарти билан топширганидан кейин “Шарқ юлдузи” (“Звезда востока” журналини 1961- йилдаги 2-б сонида рус тилида чиққанидан сўнг, 1961-йил октябр ойида “агар севсанг” романини татар тилидан рус тилига таржима қилиб чиқаргандан кейин, муаллиф Ш.С.Алядиновнинг розилигини олмасдан, “агар севсанг” романини татар тилида ҳам нашр килишган. Муаллифлик ҳақи 3.310 сумни бермай ушлаб қолганлигини кўрсатиб бу суммани ундиришни сўраган). Тошкент вилоят суди раиси Царев жавобгар тарафнинг шикоят аризасини асоссиз бўлгани учун қаноатлантиրмасдан, Чилонзор тумани ҳалқ судининг 30.09.1963 йилда чиқарган қарори ўзгаришсиз ўз кучида қолдирилиши ҳакида қарор чиқарган [18]. Муаллифлар хукуқини хар иккала судда ҳам химоя килинганини кўриш мумкин. Муаллифлар асарларини нашр этиш ва омма олдида ижро этиш билан боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлар бериш, муаллифлик хукуки бузилган тақдирда ва уларни химоя қилиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда эса – адлия органларида муаллифларнинг манфаатларини ифодалаш орқали ёрдам кўрсатиш [19] БМХҲБнинг Ўзбекистон ССР бўлимини вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилганлиги ҳам айрим ўз хукуқларини билмайдиган, яратилган қонунларга бефарқ бўлган мuaалифлар учун қулайлик туғдирган. Акс ҳолда муаллифлар хукукий химояси билан боғлиқ қонун-қоидаларни айрим муаллифларнинг етарли даражада хабари бўлмаганлигига қонунчилик тарғиботининг етарли даражада бўлмаганлиги ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Мамлакатимизда муаллифлар хукуқини химоя қилинишида хукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти мухим ўрин тутишига қарамасдан ўз хукуқларини билмайдиган ёки қизиқмайдиган муаллифлардан бири сифатида маҳаллий муаллиф Мулла Каримни келтириш мумкин. У Тошкентга юборган мактубида айрим маълумотларни келтириб ўтган. “Ишқ билан ўйнашма”нинг пулини ҳали олганимиз йўқ. Министрликдан берар эмиш, деб эшитдик. Шунга ҳам кўнидик. Ўртоқ Хайруллаев борса, пулларни олиб келар деб турибман. Энди гонорара ҳақида шуни демокчиман. Сизлардаги қонун – қоидани билмайман. Агар вактингиз бўлса, шу ҳақида жиндаккина тушунтириш ёзиб юборсангиз жуда хурсанд бўлар эдим” [20.13]. Юқорида номи келтирилган муаллифнинг хукуқини бўлим орқали химоя қилиниши ва муаллифларга хукукий маслаҳатлар берганлигини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

БМХҲБга Ўзбекистон ССР бўлими томонидан 1973 йилнинг III чорак учун берган ҳисоботида, бўлимнинг вазифаларидан бири бўлган муаллифларга юридик ёрдам кўрсатганлиги тўғрисида статистика келтириб ўтилган. Жумладан: II чоракдан 7 та муаллифлар хукуқининг бузилиши билан боғлиқ ишлар III чоракка ўтган шундан 2 та назорат. III чорак давомида эса, 9 иш кўзгатилганлиги ва улардан 2 таси назорат хукуқи эканлиги такидланиши билан бирга ушбу чоракда 8 та муаммоли ҳолатлар юридик ёрдам бўлими томонидан якунланган. Шулардан муаллифлар фойдасига 5 таси ҳал этилган. IV чоракка 8 та иш ўтганлиги [21] архив хужжатларда келтирилган. III чорак давомида Арбитраж иши йўқлили ҳақида ҳам маълумот берилган.

Муаллифлар хукуқларини бузилишида нашриётлар фаолияти ҳам алоҳида ўринга эга. Нашриётларда фаолият юритаётган ходимлар ҳам мавжуд хукукий муносабатлардан хабардор бўлишлари кераклиги ҳисобга олинниб давра сухбатлари ўтказилиб турилган. 1973 йил 17 июл куни . Ғулом нашриёти биносида таҳририят ходимлари билан “Муаллиф ва нашриёт учун чоп этиш муддатига риоя қилмаслик оқибатлари” мавзусида сухбат бўлиб ўтган. Республиканинг барча нашриётларига муаллифлик хукуқи нормалари тушунтирилган хатлар юборилган [22]. Ўзбекистон бўлими томонидан муаллифларга 1973 йил давомида 40 та оғзаки ва 2 та ёзма маслаҳатлар берилганлиги ҳақида БМХҲБга 1974 йилнинг 25 январида ҳисобот топширилган

[23]. Бўлим томонидан амалга оширилган барча сай-ҳаракатда: муаллифларга хукуқий жиҳатдан маслаҳатлар берилганлинини ва уларни хукуқларини ҳимоя қилганлигини кўриш мумкин. Муаллифлик хукуқини ҳимоя қилиш Бошқармасининг Ўзбекистон вакиллиги ва хукукни муҳофаза килувчи органлар мамлакатимиз муаллифларини хукукларини ҳимоя қилиш, уларнинг калам ҳақларини ўз вактида ва тулик тўлаш жараёнларида фоал ҳаракатларни амалга оширди. Бунинг натижасида низоли ҳолатларнинг барчаси ҳал бўлмасда, мавжуд имконият ва вазиятлардан келиб чикиб ижобий ечим топган ҳолатларни такидлаб ўтиш лозим. Бошкарув марказда бўлганлиги учун ҳам муаллифларимизни хукукларини ҳимоя қилишда айрим муаммоли ҳолатларга юзага келган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида такидлаш мумкинки, мамлакатимизда фаолият олиб борган муаллифларнинг хукукларини ҳимоя қилишда хукукни муҳофаза килувчи органлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини кўриш мумкин. Муаллифлар хукуқини ҳимоя қилиш вакиллигига ҳам муаллифлар, нашриётлар ва томоша кўрсатувчи муассасалар ўтрасидаги низоли ҳолатлари ҳал қилиш ишларини йўлга кўйилганини ижобий ҳолат сифатда баҳолаш мумкин. Аммо бу шароитларлар муаллифлар хукукни бузулишини тўлиқ мамлакатимизда ҳал этилганлигини англатмайди. Бутуниттифок муаллифлар хукуқини ҳимоя қилиш бошқармасининг Ўзбекистон бўлими ваколатлари доирасидан келиб чикиб, муаллифларда учраётган муаммоларни ўз вактида ва конуний ҳал килмаган ҳолатлари ҳам учраган. Бундай ҳолатларда асар муаллифларининг ўз ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида БМҲҲБга шикоятлар қилганлари ҳам мавжуд. Мамлакатимизда муаллифлар хукуқини ҳимоя қилиши тарихиги ютуклар ва камчилликлардан келиб чикиб, бугунги кунда республикамиз фуқароларига муаллифларимизни хукукларини ҳурмат қилишга ва соҳада мавжуд конунларга риоя қилишга қаратилган тарғибот тадбирларни кучайтириш каби таклифларни келтириб ўтамиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, 01.07.2019 йилдаги ПҚ- 4380-сонли.
2. О.Насиров. “XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар тарихи”. Диссертация. Тошкент. 2009. –б. 4.
3. О.Ҳ.Жайнаров. Туркистон АССРда адлия органлари фаолияти тарихи (1918-1924 йй.) диссертация автореферати. Тошкент. 2021. –б. 5.
4. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 125-иш, 76–варак.
5. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 2–варак.
6. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 125-иш, 77–варак.
7. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 125-иш, 82–варак.
8. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 125–варак.
9. Жавлонбек Бегалиев. “Ўзбекистонда муаллифлик хукукининг шаклланини тарихи”. Ўтмишга назар журнали. 2 – махсус сон. Тошкент. 2020. 91 бет.
10. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 33-иш, 19–варак.
11. В.Л.Чертов. “Судебная защита прав и интересов авторов” «Юридическая литература», М., 1970. - с. 35.
12. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 42-иш, 24–варак.
13. В.Л.Чертов. “Судебная защита прав и интересов авторов”. «Юридическая литература», М., 1970. - с. 3.
14. Бобоқул Тошев. Муаллифлик хукуки. Тошкент. 1997. – б. 4.
15. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 28–варак.
16. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 44-иш, 55–варак.
17. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 43-иш, 47–варак.
18. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 1-рўйхат, 132-иш, 15–варак.
19. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 3-рўйхат, 81-иш, 6–варак.
20. Жавлонбек Бегалиев. “Ўзбекистонда муаллифлик хукукининг ҳимоя килиниши тарихи”. ЎзМУ хабарлари журнали. 1/4. Тошкент. 2022. 13. бет.
21. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 3-рўйхат, 69-иш, 11–варак.
22. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 3-рўйхат, 69-иш, 11–варак.
23. ЎзР МДА, Р-2432 фонд, 3-рўйхат, 69-иш, 9–варак.

## МУНДАРИЖА

### ТАРИХ

<b>Вохидов Шодмон Хусейнович.</b> доктор исторических наук, профессор. Проректор по науке и инновациям в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент Таджикистан.	
<b>Шарифова Гулпари Хамдамовна,</b> Кандидат филологических наук, доцент. Руководитель отдела науки и инновации Таджикского педагогического института в городе Пенджикент Таджикистан. Еще раз о произведении “Мусахир ал-билод” Мухаммадяра ибн араб катагана (Важный источник по истории шейбанидов).....	3
<b>Дониёров Алишер Худайбердиевич.</b> Тошкент давлат шарқшунослик университети “Марказий Осиё халклари тарихи ва этнографияси” кафедраси профессори, тарих фанлари доктори. Фольклористиканинг тарихий аҳамияти ва ривожи .....	10
<b>Қобулов Эшболта Отамуродович.</b> Термиз давлат педагогика институти ректори, тарих фанлари доктори, профессор. Бухоро амирлигида солик сиёсати .....	15
<b>Ражабов Қаҳрамон Қенжаевич.</b> Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор. Иккинчи жаҳон уруши даврида совет давлатининг жазо сиёсати (1939-1945 й.) .....	18
<b>Турсунов Сайфулла Нарзуллаевич.</b> Термиз давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор. Ўзбек тилининг шаклланиши ҳақидаги тарихий манбалар.....	25
<b>Караев Ф.К., Ходжиев К.М.</b> Вклад профессора Абдулсаттор Мухторова в изучении истории народов средней Азии .....	33
<b>Холикулов Ахмаджон Боймахматович.</b> Ўзбекистон миллий университети Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент. XIX аср бошларида Бухоро – Россия муносабатлари .....	36
<b>Исаев Ойбек Ахмед ўғли.</b> Термиз Давлат Университетининг Педагогика Институти Тарих фанлари кафедраси мудири (PhD). XX асрнинг 20-30 йилларида Сурхон воҳасида кулоқлаштириш жараёни ҳамда кулоқларнинг тоифаларга бўлиниши.....	40
<b>Насиров Отабек Назиржанович.</b> Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, т.ф.н. <b>Бегалиев Жавлонбек Райимназарович.</b> Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти “Тарих” кафедраси таянч докторант. Мамлакатимиз муаллифлик хуқуки химояси тарихида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти .....	44
<b>Мамаражабов Ғайрат Абдулхакимович.</b> Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси. Ўзбек хунармандчилигининг тарихий манбалардаги таҳлили	50
<b>Эргашев Мавлон Эшниёзович.</b> Преподаватель кафедры Всемирной истории Термезского государственного университета. Культурно-экономические и политические основы формирования ранних государств на юге Узбекистана.....	53
<b>Нуриев Санжар Махмудович.</b> Термиз туманинг хокими ўринбосари. Маънавий илдизларнинг миллий эътиқодларни юксалтиришдаги ўрни.....	55
<b>Каримов Ақбар.</b> Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари. Маънавиятнинг тарихий илдизларини ёшлар тарбиясидаги ўрни..	59
<b>Жумаева Шоҳида Чориевна.</b> Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси. Сурхон воҳаси қишлоқ хўжалигида кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг холати	63
<b>Сафаров Бахтиёр Сатторович, Турсунов Үкташ Сайпуллаевич.</b> Термиз давлат университети педагогика институти. Соҳибкорон Амир Темур нигоҳидаги Сурхон воҳаси	66
<b>Жўраева Ўлмас Чориевна.</b> Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси. Термиз дарё портининг транспорт тизимидағи ўрни ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти	70
<b>Хўжаназаров Абдусалом Зиёдуллаевич.</b> Термиз давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси ўқитувчиси. Ўзбекистонда тиббиёт соҳасидаги дастлабки ислоҳотлар: натижалар ва тарихий таҳлиллар .....	72
<b>Худайбердиева Гулнора Хурсандовна.</b> Термиз давлат университети “Фуқаролик жамияти” кафедраси ўқитувчиси. Совет давлатининг маданият ва маданий муассасаларга нисбатан муносабати (Сурхондарё мисолида) .....	76
<b>Valiyev Akbar Xalilovich.</b> Jizzax davlat pedagogika institute Tarix va uni o'qitish metodikasi kafedrasini katta o'qituvchisi. Aholi bandligi masalalarining islom dinidagi talqini .....	85